



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2014-йил, 22-ноябр. Шанба • 136 (31.883)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

1918-йил 21-июндан чиқа бoshлаган

www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 ноябрь кунин Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси Президенти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси Дидье Буркхальтер билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон Швейцарияга ишончли ҳамкор, жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тутувчи, умумэтироф этилган халқаро иқтисодий ва молиявий марказ сифатида қарашини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон – Швейцария муносабатларининг муҳим масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплангани, мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асос яратилгани таъкидланди.

Ўзбекистонда Швейцария капитални иштирокида 77 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 22 таси тўлиқ ушбу мамлакат сармояси ҳисобига ташкил этил-

ган. Жорий йилда ҳам савдо соҳасида ижобий тенденция кузатилмоқда.

Шу билан бирга, ҳар иккала мамлакатнинг мавжуд салоҳияти ўзаро манфаатли бўлган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил кенгайтириш имконини бериши қайд этилди.

Учрашувда таъкидланганидек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги сиёсатга оид кўплаб масалалар бўйича мамлакатларимизнинг позицияси яқин ёки ўхшаш экани БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик учун қулай шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Швейцариянинг 2014 йилда ЕХХТга раислигини қўллаб-қувватлаган эди. Президент Дидье Буркхальтер ЕХХТга раислигининг дастлабки якунлари бўйича ўз фикрини баён қилди.

Учрашувда долзарб халқаро масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ў.А

ЎЗХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ



«МЕНИНГ ОВОЗИМ

давлат ва жамиятни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга»

Таҳририятга ЎЗХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида «Менинг биринчи сайловим» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилиши ҳақида хабар берилди. Сайловда илк мартаба иштирок этаётган ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, ўйлари билан ўртоқ-

лашиш мақсадида у ерга вақт-лироқ боришга ҳаракат қилдик.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададани кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 барабар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойга 118 400 сўм;
ёшга доир пенсиялар – ойга 231 575 сўм;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойга 231 575 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойга 142 100 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгилан-

ган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маб-

лағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мавофик, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ-4639-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 21 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг тақдирини 2014 йил 24-25 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокара-лар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон

ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид кенг кўламли масалалар муҳокама этилади. Давлат раҳбарлари долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

САЙЛОВ — 2014

Жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш лозим

ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси билан ҳамкорликда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар учун давра суҳбати ўтказди. Унда сайловолди ташвиқотини юқори савияда олиб бориш, партия Сайловолди дастурини кенг тарғиб қилиш, сайловчилар билан учрашувларни самарали ташкил этиш, депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини, кузатувчи ва ваколатли вакилларини тайёрлаш масалалари муҳокама этилди.

ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобонов партия ташкилотларининг фаоллиги, ташаббускорлиги ва жамоатчилик билан алоқаларини янги босқичга кўтариш зарурлигига эътибор қаратди.

— Сайловнинг асосий ва-

зифаси халқ хоҳиш-иродасини намойён этиш ва ҳокимият органлари фаолияти самардорлигини таъминлашдан иборат, — деди у. — Шундай экан, биз сайловда муносиб иштирок этиб, давлат ҳокимиятини шакллантиришда партияимизнинг ўрнини янада мустаҳкамлаб олишимиз за-

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ



Қайта яшармоқда Сулаймон қалъа

4

► Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Бюджет ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш зарур!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг позицияси шундай



www.uzbekistonovozi.uz



Санжар СОБИРЖОНОВ, ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Юнусобод туман бўлими етакчиси:

— Биласизми, мен нима учун «Ўзбекистон овози»ни мунтазам ўқиб бораман? Чунки, бу газетада ёшлар ҳаёти кенг ва ранг-баранг ёритилади. Айниқса, партияимизнинг ёш фаоллари, жаҳон мамлакатлари сиёсий партиялари ва парламентлари фаолияти ҳақидаги мақолаларни қизиқиш билан ўқийман. Бундай мақолалар мен каби бўлажак сиёсатчилар, бўлажак депутатлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Обуна индекси — 220

Вакиллик ҳокимияти қандай салоҳиятга эга бўлади?

Бу бизнинг бугунги фаоллигимиз, масъулиятимизга боғлиқ.

ЎЗХДП Бекобод туман кенгаши раиси Маҳмуд Мамановнинг бу борадаги мулоҳазалари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ!

Дунёни ташвишга солаётган эбола вируси

мамлакатимиз ҳудудига кириб келишининг олди олинганми?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда Африканинг Гвинея, Сьерра-Леоне, Либерия, Конго Демократик Республикаси, Нигерия ва Сенегал давлатларида одамлар орасида ўта хавфли вируси, юқори юқувчанликка эга эбола иситмаси касаллиги бўйича эпидемиологик вазият мураккаблашиб бормоқда. Қолаверса, ушбу касалликни Испания, Буюк Британия, АҚШ, Германия ва Канада давлатлари ҳудудларига четдан кириб келиш ҳолатлари рўйхатга олинган. Россия, Молдова, Болгария, Япония ҳудудларига эбола вируси кўзгатадиган касалликда гумон қилинган беморларнинг кириб келганиги тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топмаган.

2014 йилнинг март ойида тарқалган бу касаллик туфайли айни дамгача 4000 нафардан ортиқ киши вафот этган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг шу йил 8 августда бўлиб ўтган йиғилишида эпидемик ҳудудларда эбола иситмаси бўйича юзгага келган ушбу ҳолат «Дунё миқёсидаги хавф» деб баҳоланди.

Мамлакатимизга ушбу хавфли инфекция кириб келишининг олдини олиш ва касалликдан ҳимояланиш бўйича қандай чора-тадбирлар кўриломоқда?

Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази хавфли юқумли касалликлар бўлимининг шифокор-эпидемиологи Гулшода СОБИРОВА билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Эбола вируси кўзгатадиган эпидемик касаллик асосан Африка қитъаси давлатларида учрайди. Ушбу хасталик биринчи мартаба 1976 йили Африка қитъасининг Зоир, ҳозирги Конго Демократик Республикаси ҳудудидан оқиб ўтадиган Эбола да-

дан 90 фоизгача, геморрагик синдроми яққол намоён бўладиган контагиоз ўткир, ўта хавфли эпидемик юқумли касалликдир.

Ушбу касалликнинг кўзгатувчи манбалари ва юқтирувчи манбалари деб Африка кўршапалаклари, кемирувчилар, маймунлар ва бошқа ҳайвонлар гумон қилинмоқда. Мазкур касаллик мулоқот йўли билан тез тарқалиб юқини ҳисобга олиб, контагиоз вирусли геморрагик иситма касалликлари гуруҳига киритилган. Вирус жароҳатланган тери ва шиллиқ қаватлар орқали организмга тушиб, кўпаяди.

Касалликнинг клиник белгилари: эбола иситмаси касаллигининг яширин даври 2 кундан 21 кунгача давом этиши

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу касаллик мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

мумкин. Бунда тана ҳарорати кўтариллади, иситма, ич кетиши, қорин ва мушакларда оғриқ, қусиш, милдан, бурундан, ошқозон-ичаклардан қон кетиши кузатилади. Бундай белгилар аниқланганда, зуд-



лик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Яна шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунгача касалликнинг махсус даволаш усуллари ва эмлаш воситалари ишлаб чиқилмаган.

Ушбу касалликнинг олдини олиш учун эса — касаллик авж олаётган давлатлар ҳудудлардан келган шахсларни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиб, 21 кунлик тиббий кузатувга олиш, ушбу касалликни нозокомиял инфекция сифатида қайд этилишининг олдини олиш мақсадида даволаш профилактика муассасаларида санитария эпидемиология тадбирларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади. Шунингдек, бу касаллик гумон қилинганда, зудлик билан тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш лозим.

— Касаллик бўйича юртимиздаги эпидемиологик вазият, эпидемияга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Эбола иситмаси минтақамизга хос касаллик бўлмагани учун маҳаллий ҳолат сифатида рўй бермайди. Аммо ҳозирги глобаллашув жараёнида халқаро савдо-иқтисодий, сайёҳлик ва бошқа алоқаларнинг жадал суръатларида ривожланиши, айниқса, ҳаво транспорти орқали йўловчи қатновининг кенгайиши дунёнинг исталган давлатидан мазкур касаллик кириб келиши ва тарқалиши хавфини юзгага келтиради.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт ҳажми ошмоқда

Мамлакатимизда корхоналар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтириш ҳамда экспортини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармасининг жойлардаги филиаллари томонидан олиб борилаётган ишлар мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамғарманинг Жиззах вилоят Тоғавнинг таъкидлашича, жорий йил бошидан буён филиал томонидан 20 га яқин хусусий сектор субъектига ташкилий-ҳуқуқий ва маслаҳат хизматлари, шунингдек, экспорт шартномаларини тузиш ва

рўйхатдан ўтказишда кўрсатилган амалий ёрдам туфайли умумий қиймати 14,3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар Қозоғистон, Хитой, Россия, Туркия ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилинган. Шунингдек, ҳўжалик юритиш субъектларига ташкил бозорларни ўрганиш, ишончли ҳамкорлар топишда ҳамда халқаро кўрғазмалар ва ярмаркаларда қатнашиш учун яқиндан кўмаклашилмоқда.

Ўзбекиборлиси, жамғарма филиали

томонидан вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналарига сифат менежменти тизимларини босқичма-босқич жорий этиш ва шу тарика уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, «A'lo Prestij Servis» масъулияти чекланган жамиятига халқаро стандартлар талабларига мос ISO 9001:2008 сертификатини олиш учун 3,5 миллион сўм миқдорда фозисиз маблағ ажратилди. Шунингдек, «Real Flight Air» масъулияти чекланган жамияти ҳамғарманинг 50 миллион сўмлик фозисиз маблағи ҳисобига жорий йил охиригача Афғонистонга 50 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорт қилиши режалаштирилган.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида мунтазам ўтказилаётган

давра суҳбатлари ҳамда учрашувларда иштирокчиларга мамлакатимизда яратилган кулай ишбилармонлик муҳити, шунингдек, экспортни кўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма томонидан кўрсатилаётган ташкилий-ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб боришмоқда.

Мухтасар айтганда, жамғарманинг Жиззах вилоят филиали томонидан олиб борилаётган бундай тадбирлар хусусий секторнинг ташкил бозордаги фаолиятини кенгайтиришга, пиرو-вард натижада уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, Ўзбекистон овози мўҳбири.

Самарқандда «Жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Ўзбекистон тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Ф.Эберт номидаги фондининг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижатдор ташкилотлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий мамлакатлар экспертлари, Россия, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғистондан вакиллар қатнашди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ф.Эберт номидаги фондининг мамлакатимиздаги вакили Н.Резяпова ва бошқалар республикамизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароити яратиш, меҳнат ҳуқуқларини кафолатлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг меҳнат соҳасидаги қонунчилиги ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида кўрилатган чора-тадбирлар халқаро стандартларга тўла мос келади. Аёлларга бола парварishi учун қўшимча меҳнат таътили бериш, бир қатор имтиёз ва енгилликлар жорий этилган. Меҳнат соҳасидаги муносабатларда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ходим ва иш берувчи ўртасидаги масалаларни миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳал этишда касаб уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг йўлга қўйилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалга оширилаётган ишлар айрим ҳудуд, корхона ва ташкилотлар мисолида таҳлил этилди.

Ў.А.

«Vuxoro global realtor» МЧЖ

очиқ танловга таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар ҳокимининг 2013 йил 10 ноябрдаги 1519-сонли қарорига асосан, Савдо ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси биносини қуриш учун ажратилган Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар М.Наршахий кўчасида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 67784 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби билан танлов мажбуриятларни бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Талабгорлардан танловда иштирок этиш учун бюртномалар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари)

30 декабрь кун соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртномалар қабул қилиш 2014 йил 29 декабрь соат 18:00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 23 декабрь кун соат 11:00 да очилади, 2014 йил 30 декабрь кун соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади.

Ер участкасига чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда қатнашиш истида бўлган талабгорлар танлов ҳужжатларининг энг кам ойлик иш ҳақининг бир ба-робари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бу-

юртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатида нусха;



Фойдасидан зиёни кўп

шу боис сунъий қорая кўрманг

Кейинги пайтларда танани сунъий қорайтирадиган турли суртмалардан кенг фойдаланиш кўпгина мамлакатлар аёллари орасида урфга айланиб бормоқда. Айниқса, бу Европада кенг тус олган. Аммо бунинг фойдасидан зарари кўп экан.


Европалик олимлар бадани сунъий қорайтириш офтобда қорайишга нисбатан анча хавфли эканини аниқладилар. Тана рангини 15 дақиқада ўзгартириб, чиройли тусга киритувчи барча лосьон, крем каби суртмалар, суякқув таркибида соғлиққа зиён етказувчи хавфли кимёвий моддалар мавжуд.

Экспертларнинг фикрича, ушбу сунъий қорайтириш воситалари фойдаланилганда сўнг ўзидан токсин моддалар ишлаб чиқариб, баданга захар тарқатади. Натижада нафақат аллергия, балки тери саратони касаллиги пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, мутахассислар бу усулдан фойдаланган ҳомилдор аёлларнинг фарзандлари тумға нуқсон билан дунёга келиши хавфи борлигини таъкидламоқда. Шунингдек, инсонда қандли диабет, семириш ва белушлик хасталиги келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Коинотдаги тажрибалар

имконият эшикларини очади

Халқаро космик станцияда «Caenorhabditis elegans» деб номланувчи микроскопик чувалчанларнинг бир неча авлоди яхши ривожлангани олимларга коинотда ва узоқ муддатли парвозларда инсон организмнинг, аниқроғи, мускуллар дистрофисини (тўғима ва аъзоларда модда алмашинуви бузилишининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш имконини яратишига шубҳа йўқ.



Инсоният коинотда узоқ парвозни амалга ошириши учун, аввало, уни мукаммал ўрганиши шарт. Айнан жонзотлар ва ўсимликлар билан ўтказилаётган тажрибалар бу борада хулосалар чиқаришга асос бўлмоқда.

Дейлик, Марсга тўғридан-тўғри одамни учирish мумкинми? Йўқ, асло. Гап нафақат ўрга сайёрада инсон яшashi учун шароитнинг йўқлигида, балки инсон организми узоқ муддатли космик парвозни, доимий вазна-сизликни қандай қабул қилишида, мускулларнинг қуриб қолмаслигида ҳамдир. Бу эса инсониятнинг космосда қандай кўнайлари ҳали ҳеч кимга аниқ бўлмаганлиги, олимлар олдига жумбоқли-жумбоқли саволларни қўндаланг қўймоқда.

Аммо Халқаро космик станцияда амалга оширилган ва оширилаётган биологик тажрибалар коинотни ўзлаштириш ва ўрганиш борасида салмоқли қадамлар ташланаётганини англатади.

Британия қироллигининг «Interface» илмий жамоатчилиги нашри ҳисобланмиш «Plos ONE» журна-лида ёзилишича, 1 миллиметр ҳажм-гача бўлган микроскопик чувалчан-лар (улар 7 кундан 10 кунгача умр кўради) тажрибаларнинг асосий ман-баи бўлиб хизмат қилган. Кўпична генетик, нейробиологик ва био-логик тажрибаларда улардан фой-даланилади. Негаки, бу чувалчан-лар кўпхужайрали организм бўлиб, кўп генлари, аниқроғи, 20 мингта гени (50-60 фоиз) инсон гени қан-дай вазифа бажарса, улар ҳам шун-дай вазифа бажаради, 2 мингта гени эса мускуллар ривожланишида му-ҳим роль ўйнайди.

Чувалчанлар тадқиқоти раҳбари, Ноттингем университети олими Натаниэль Шевчининг айтишича, чувалчанлар 2006 йили «Discovery» шаттл экипажи ёрдамида Халқаро космик станцияга олиб чиқилган. Шу ўринда айтиш жоизки, чувалчанлар-нинг коинотга учурилиши бир неча марта амалга оширилган.

Эндиги вазифа чувалчанларни Марсга ҳам учуришдир. Зеро, кенг миқёсли тажрибалар изланишга силсиласи ортидаги хулосалар миқ-ёсини кенгайтиради ва инсониятга улкан имкониятларни арумоғон эта-ди.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Қайта яшармоқда Сулаймон қалъа

Ҳар қандай меъморий-маданий ёдгорлик тенгсиз бойликдир. У, биринчи навбатда, элнинг тарихи ва маънавий, маданий даражаси қандайлигидан дарак бериши билан ҳам қимматли. Ушбу ёдгорликлар — у хоҳ бирор осориатика кўринишида бўлсин, хоҳ меъморий обида бўлсин ўз яратувчиларининг маданияти, яшаш тарзи, дунёқарашининг маънавияти, билими қандай бўлганини кўрсатади ва албатта давлатчилик тарихи саналади.

Қадим юртимиз ва унинг бир бўлаги Хоразм тупроғи, бу ерда истиқомат қилаётган одамлар бу борада кўксини осмон қадар кўтариб фарҳанга ҳақли. Жон танган Хивани кўя туррайлик, кўна заминнинг ҳар бир туманида кўлаб маданий, меъморий ёдгорликлар кўриш мумкин.

Қадимшунослар уч минг йиллик тарихга эга, деб далилий ашёлар билан ишловчи Сулаймон қалъа воҳанинг бир чеккасидан — Ҳазорасп тумани ҳудудида. Тўғрироғи, туман марказининг қоқ юрагида.

Бундан анча олдин шoir, россом, хайкалтарош, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, қадим қалъа тарихидан рисола битган Рўзимбой Оллоёров билан учрашиб қолган эдим. Ушанда у айтган гаплар ҳозирги авлодга гўё дахшатли эртак бўлиб туюлиши тайин. Утган асрда қайсидир шўро «ишбилармон»и таклифи билан минг йилларки қад тиклаб турган қалъа деворларини «социализм пойдевори»га ишлатмоқчи бўлишган — уни гишт заводига инъом қилишган. Тасаввур қилаясизми, салкам уч минг йиллик тарихга эга, не-не босқинлар, не-не тўфонлар кўрган мўйсафид қалъани бир кунда ер юзидан суғуриб ташлашни кўзлашган. Бундан ортиқ манфурлик бўладими? Яхшиямки, бир гуруҳ олимлар юғриб-

елиши натижасида бу ваҳшийликнинг олди олинган. Аммо, шўро сиёсатдонлари қалъага «ўгай кўз» билан қарашди. Ичидида меъморий ёдгорликларни бузишди, аҳолига турар-жой учун тақсимлаб беришди. Кукка буй чўзиб турган қалъа деворлари тагида узоқ йиллар мол бозори фаолият юритиб келди...

Истиқлол шарофати, Юртбошимиз эътибори туйғай мана қадим қалъага иккинчи бор умр бағишланмоқда.

Президентимизнинг машҳур тарихий қароридан сўнг

олиниб, айнан шу ерда эллик ўринли меҳмонхона, замонавий чойхона, 660 ўринли амфитеатр бунёд этилади. Шунингдек, ўлкашунослик музейи, миллий ҳунармандчилик устaxonалари қурилади. Шу ердаги эски масжид тўла қайта тасмирланади.

Ободонлаштириш, бунёдкорлик фақат қалъа билан чекланмайди. Бутун шаҳарча таъмилла ўзгача кўриниш кашф этади. Яхшиси, бу ҳақда мазкур шаҳарчага узоқ йиллар раҳбарлик қилган, ҳозирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши раиси, халқ депутатлари ўзХДП гуруҳи аъзоси Боббек Қосимовнинг сўзларига қулоқ осайлик:

— Истиқлол берган имкониятлар ибораси машҳур бўлиб қолди. Нимага? Қуруқ сўз эмас, амалий ишларни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Истиқлолнинг 23 йиллиги муносабати билан туманда 23 та янги иншоот фойдаланишга топширилди. Гап рақамдагина эмас. Шаҳарчада аҳоли маданий дам олиши учун ис-

Рости, шаҳарчамиз чинакамига шаҳарга айланиб борапти.

...Чингиз қири, деб аталмиш қадим гўшада истиқлол йилларида «Хоразмшакар» корхонаси қуриб, ишга туширилган. Ҳозирда бу ерда бир минг уч юз киши меҳнат қилмоқда, ҳар кеча-кундузда минг тонна атрофида аъло сифатли, арзон, харидорғир шакар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, республикамизнинг барча ҳудудларига етказиб берилмоқда.

Сулаймон қалъанинг энг кенжа «фарзанди» — Питнак шаҳрида йил бошидан буён «Дамас» энгил автомашиналари ишлаб чиқарадиган улкан автомобиль корхонаси иш бошлади. Ҳозирда фақат «Дамас» эмас, «Орландо» ҳам ишлаб чиқарилиб, аллақачон харидорларга етказиб берилаётир. Мингдан ортиқ кишининг муқим иш билан таъминлангани ва яна корхонага ёндош бутловчи қисм тайёрлайдиган тўққизта корхона ҳам ишга тушиши ҳудуднинг саннат салохиятини бир неча юз қарра оширгани, ошираётгани қувонарли ҳол.



Бунёдкорлик режалари

коллек... Қайси бирини санайсиз. Ҳатто санокда адашасиз. Бу ёқда Куйи Амударё минтақасида энг йирик ҳисобланган «Ҳазорасп кийим-кечак бозори»даги минглаб замонавий савдо расталарини айланамиз десангиз, бир-икки кун камлик қилади.

— Бизлар жаҳонга юз тудик деймиз. Бу сўзларни бугун ҳар бир фуқаро ўз ҳаётидан келиб чиқиб айта олади. Ҳозирдан мисол: узоқ йиллардан буён санъат ошўфтасиман — эркин ижодкорман. Истиқлолдан сўнг «Устоз-шогирд» аънасанга йўл очилди, ўз устaxonамда санъатга — унинг мўйқалам йўналишига қизиқадиган ёшларга россомлик сир-асрорларини ўргата бошладим. Шу йўналишда ўтказилган республика танловиди диплом билан тақдирландим. Ешимиз олти йиллик намуналари республикамиздан ташқари чиқмагани. Олдинлар бунга имкон ҳам йўқ эди. Шу йилдан бошлаб иходхонамга хорижлик сайёҳлар ташриф буора бошлади. Иход намуналарим билан танишишди, асарларимни харид қилишди. Эндиликда мен чизган суратлар хориждаги музейлар, кўргазмалар

ва шахсий коллекциялардан ўрин олади. Бу қандай бахт! Истиқлол берган имкон ва бахт-да!...

Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, моҳир мўйқалам соҳиби Даврон Отамуродовнинг ҳаяжонли фикрларига изох ортиқча.

...Асрларни қаритган мўйсафид — Сулаймон қалъа уйқусидан кўз очди. Уни истиқлол қайта уйғотди. Унга қайта — иккинчи умр бахшида этмоқда.

Қадим қалъа ўз атрофида кечаю кундуз бўлаётган улкан қурилишлар, ободончилик, бунёдкорликни кўриб яна яшармоқда, ҳайратга тушмоқда. Дарвоқе, истиқлол туйғайли уч минг йиллик қалъанинг вақт нуратган деворлари қайталан тўла таъмирланиши режалаштирилган.

Не-не талашлар, не-не савашларни, қанча камолларни, қанча заволларни ўз бошидан кечирган қадим қалъа бугун абадият томон юзланди. Энди заволлар бўлмағай — камоллар бўлғай. Энди талашлар бўлмағай, қарашлар бўлғай, суяшлар бўлғай. Урушлар кўрмағай, қуришлар кўргай!

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Шоназар ҚАРРИЕВ олган сурат.

қадим Сулаймон қалъа ва унинг атрофида улкан қурилиш, ободончилик ишлари бошлаб юборилди. Маънавий-меъморий ёдгорлик сайёҳлик тизимига киритилиши эътиборга

тироҳат боғи ишга туширилди. Тарихда илк бора баланд чархалак ўрнатилди. Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари, маҳалла гузарии, очиқ футбол майдончалари...

Шаҳарчада йирик тўқима-чилик мажмуаси, катта-кичик ҳуқуқий корхоналар очилаётгани янгилик бўлмай қолди. «Истиқлол» уйингоҳи, академик лицейи, поликлинника, ўнлаб

РЕКЛАМА

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Table with 4 columns: №, Иншоот номи, Бошланғич нархи (млн.сўм) (ККС билан, ККСсиз), Қурилиш муддати. Lists various construction projects and their estimated costs and durations.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жағмараси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилоят ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан мукамал таъмирланадиган ҳамда янгидан қуриладиган объектларнинг қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлганда танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар хисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига ружсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур

бўлган меҳнат ресурслари ва муратхассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий маълака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўрвонма билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 31-а уй. Телефон/факс: (376) 223-44-73, 223-44-78.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қиймати га қараб — 70 000 сўмдан 150 000 сўмгача. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси га тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кун ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 31-а уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

СПОРТ

Шу кунларда пойтахтимизда оғир атлетика бўйича катталар ўртасида I Афро-Осиё чемпионати ва ёшлар ўртасида III Осиё кубоғи баҳслари қизгин давом этмоқда.

Полвонларимиз ютуғи

Беллашувларнинг дастлабки куниди аёллар ўртасида бир йўла икки нафар спортчимиз кучлилар қаториди олдди.

Марина Сисоева (58 кг) даст кўтаришда 87 килограмм, силтаб кўтаришда 117 килограмм натижани қайд этди. Иккикураш якунига кўра, 204 килограммлик маррани эгаллаган Марина учта кумуш медалини қўлга киритди.

Истеъдодли оғир атлетикачиларимиздан яна бири Манзурахон Мамасолиева (69 кг) даст кўтариш баҳсларида 95 килограмм, силтаб кўтаришда 125 килограмм, иккикураш якунига кўра, 220 килограмм натижани қайд этди ва шохусларнинг иккинчи погонасидан жой олди.

Чемпионатнинг эркаклар ўртасидаги беллашувлари янада кескин ва мурасасиз кенаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Унда спортчимиз Муҳаммад Беғалиев (85 кг) даст кўтаришда 155 килограмм оғирликни ўзига бўйсиндириб, кумуш медалини қўлга киритди. Силтаб кўтаришда 182 килограмм натижа билан бронза медали соҳиби бўлди. Иккикураш якунига кўра 337 килограмм натижани қайд этган полвонимиз фахри иккинчи погонани эгаллади.

Мусобақада даст кўтариш бўйича моҳир полвонимиз Шодилбек Эргашевга (94 кг) тенг келадигани топилмади. У ўз вази тоифасида 148 килограмм натижа кўрсатиб, чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлди. Шодилбек силтаб кўтаришда 176 килограмм, иккикураш якунига кўра, 324 килограмм натижа билан иккита кумуш медалга ҳам эга бўлди. Баҳслар давом этмоқда.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

Weather forecast section for Uzbekistan regions. Includes 'OB-ХАВО' for 22-23.11-2014, 'Юртимиз бўйлаб' with weather icons, and 'Дунё бўйлаб' with international weather reports for London, Paris, Moscow, Madrid, Beijing, Canberra, Rome, Athens, Tokyo, Stockholm, Taipei, Qohira, Havana, and Washington.

MUASSIS logo and contact information for the XDP party.

Editorial board information: Bosh muharrir: Safar OSTONOV, Tahrir hay'ati members including Abdulla ORIPOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Saidahmad RAHIMOV, etc.

Subscription information: Qabulxonona — 233-65-45, Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56, E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Subscription rates and contact info.

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV, Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV. ISSN 2010-7633.